

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.06/2025.27.12. Tib.17.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**УСМОНОВ БАХТИЁРЖОН АРОБИДИН ЎҒЛИ**

**КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН  
БЕМОРЛАРДА ГЕНЕРАЛЛАШГАН ПАРОДОНТИТНИ КОМПЛЕКС  
ДАВОЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.21 – Стоматология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2026**

УЎК: 616.314.17-008.1: 616.91: 578.834

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)**

**Усмонов Бахтиёржон Аробидин ўғли**

Коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларда

генераллашган пародонтитни комплекс

даволашни оптималлаштириш..... 3

**Усмонов Бахтиёржон Аробидин ўғли**

Оптимизация комплексного лечения генерализованного

пародонтита у пациентов перенесших

коронавирусную инфекцию..... 21

**Usmonov Bakhtiyorjon Arobidin ugli**

Optimization of comprehensive treatment of generalized

periodontitis in patients after

coronavirus infection..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 42

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.06/2025.27.12. Tib.17.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**УСМОНОВ БАХТИЁРЖОН АРОБИДИН ЎҒЛИ**

**КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН**  
**БЕМОРЛАРДА ГЕНЕРАЛЛАШГАН ПАРОДОНТИТНИ КОМПЛЕКС**  
**ДАВОЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.21 – Стоматология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2026

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.1.PhD/Tib3388 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.sammu.uz](http://www.sammu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Юсупалиходжаева Саодат Хамидуллаевна</b> тиббиёт фанлари доктори, доцент
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Кубаев Азиз Сайдалимович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
	<b>Алдашева Майя Ахметовна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор ( <b>Қозоғистон</b> )
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Ставрополь давлат тиббиёт университети (Россия Федерацияси)</b>

Диссертация ҳимояси Самарқанд Давлат тиббиёт университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.06/2025.27.12. Tib.17.02 рақамли илмий кенгашнинг 2026 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (+99866) 233–30–34; e-mail: [ilmiyprorektori@sammu.uz](mailto:ilmiyprorektori@sammu.uz))

Диссертация билан Самарқанд Давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (+99866) 233–30–34.

Диссертация автореферати 2026 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2026 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ж.А. Ризаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Г.У. Самиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**М.Т. Насретдинова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** SARS-CoV-2 тарқалиши глобал пандемияга сабаб бўлиб, оммавий госпитализациялар ҳамда юқори ўлим даражаси туфайли соғлиқни сақлаш тизимларининг коллапсини келтириб чиқарди. 2025 йилнинг июль ойига келиб, дунёда 775 миллиондан ортиқ COVID-19 билан зарарланиш ҳолатлари ва 7 миллионга яқин ўлим ҳолатлари қайд этилди. Бу эса муаммонинг нақадар жиддийлигини кўрсатади. Оғиз бўшлиғининг кўп учрайдиган инфекция-яллиғланиш касаллиги бўлган пародонтит, пародонтал чўнтакларда патогенларнинг тўпланишига олиб келади, бу эса уларнинг қон оқимида ўтишини ва нозокомиал пневмония каби асоратларнинг ривожланишини осонлаштиради. ЖССТ маълумотларига кўра, “...сурункали пародонтит дунё аҳолисининг тахминан 19%ни ёки 1,5 миллиард кишини зарарлаган. Ковиддан кейинги синдромга чалинган беморларда эса, тизимли яллиғланиш туфайли асоратлар хавфи ортиб боради...”<sup>1</sup>. Бу эса унинг сурункали ҳолатлар билан боғлиқлигини тасдиқлайди. Стоматологик ёрдамдан фойдаланишдаги тенгсизлик, айниқса паст ва ўрта даромадли мамлакатларда, яъни хизматлардан фойдаланиш имконияти 35%дан кам бўлган жойларда, янги терапевтик ёндашувларни ишлаб чиқишга бўлган эҳтиёжни кучайтиради, бу эса касалликларни камайтириш ва яшаш сифатини яхшилаш учун мазкур тадқиқотнинг зарурлигини асослайди.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатдики, пародонтит ва коморбид ҳолатлар (қандли диабет, гипертония, ЎСОК, онкологик касалликлар) билан оғриган ўрта ва катта ёшдаги шахслар оғиз бўшлиғи микробиомаси дисбиози ва иммунтанқислиги туфайли COVID-19 нинг оғир кечишига ва ковиддан кейинги синдромга кўпроқ мойил бўладилар. Тадқиқотлар пародонтитнинг таъсири натижасида тизимли яллиғланиш ва бактериял суперинфекциянинг кучайишини ўз ичига олган асосий жиҳатларни, шунингдек, ковиддан кейинги ҳолатнинг пародонтал патология билан боғлиқлигини аниқлади, бу боғлиқлик интерлейкинлар ва сўлак биомаркерларининг таҳлиллари орқали ишончли фарқлар билан тасдиқланган. Ўтказилган тадқиқотларга қарамай, ушбу патологияларнинг патофизиологик ўзаро таъсирлашув механизмлари ва комбинациялашган даволаш усулларининг самарадорлиги етарлича ўрганилмай қолмоқда. Бу эса мақсадга мувофиқ ташхислаш ва даволаш стратегияларини ишлаб чиқиш учун чуқурроқ таҳлил ўтказишни талаб этади.

Мамлакатимизда тиббиётнинг устувор йўналишларини ривожлантириш, жумладан, соғлиқни сақлаш ва аҳолининг долзарб муаммоларини комплекс ўрганиш бўйича дастурлар фаол равишда амалга оширилмоқда. Давлат сиёсатида мувофиқ, тиббий ёрдам сифатини ошириш мақсадида вирусли инфекцияларни, шу жумладан SARS-CoV-2 ни ўрганиш, ташхислаш, даволаш ва олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таъкидланганидек, “тиббий хизматларнинг самарадорлиги ва оммабоплигини ошириш, сифатини стандартлаштириш, ташхислаш ва даволашнинг юқори технологияли усулларини жорий этиш”<sup>2</sup>

<sup>1</sup> ЖССТ. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти статистикаси, 2023

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-5590-сонли фармони

зарурлиги кўрсатиб ўтилган. Ковиддан кейинги стоматологик симптомларни батафсил ўрганиш, шунингдек, уларни эрта ташхислаш ва дифференциаллашган даволаш усуллари ишлаб чиқиш профилактик ва тиббий-стоматологик ёрдам сифатини оширишга хизмат қилади.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-5590-сонли, 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги “Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4891-сонли қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** 2025 йил 2 июндан 29 июнгача бўлган давр мобайнида ЖССТнинг 74 та мамлакатда COVID-19 нинг 307 833 та янги ҳолати қайд этилиб, бу ўтган даврдаги ҳолатдан 2% га, Америка, Европа ва Жануби-Шарқий Осиёнинг 42 мамлакатада 10%дан юқори ўсиш кузатилди. XFG 39%, NB.1.8.1 36% устун вариантларга айланди, LP.8.1 улуши эса 11%гача камайди. Шу даврда 32 мамлакатда COVID-19 билан 6435 та янги госпитализация ҳолати ва 27 мамлакатда интенсив терапия бўлимларида 159 та ҳолат қайд этилди, бундай ўсиш 12 мамлакатада кузатилди, ўлим ҳолати эса 37 та мамлакатда 1010 тани ташкил этиб, коморбид ҳолатлар (гипертония, диабет, ЎСОК) билан боғлиқ бўлган, айниқса пародонтит мавжуд бўлганда, касалликнинг янада оғир кечиши кузатилган. Ёндош касалликлар асоратлар хавфини сезиларли даражада оширади, бу эса, даволашни такомиллаштириш учун чуқурроқ таҳлил ўтказишни тақозо этади.

Жаҳон тадқиқотлари бир нечта патогенетик механизмларни таклиф этиб, пародонтит ва COVID-19 кечишининг оғирлиги ўртасида яқин боғлиқлик мавжудлигини кўрсатган. Хусусан, пародонтопатоген бактерияларнинг аспирацияси нафас йўлларида ангиотензинга айлантирувчи фермент 2 ва яллиғланиш олди цитокинлари экспрессиясини кучайтириши, бу эса инфекция кечишини оғирлаштириши мумкин (Takahashi ва бошқ., 2020). Шунингдек, пародонтопатогенлар вируснинг S-гликопротеинларини парчалаб, унинг вирулентлигини ошириши тахмин қилинмоқда (Madapusi Balaji ва бошқ., 2020; Takahashi ва бошқ., 2020), пародонтал чўнтаклар эса SARS-CoV-2 учун резервуар вазифасини ўташи мумкин (Badran ва бошқ., 2020; Bao ва бошқ., 2020). Бир қатор муаллифлар ҳар иккала касалликда цитокин бўронининг кучайишида ҳужайра ташқарисидаги нейтрофилли тузоқларнинг ва Th17-жавобнинг аҳамиятини таъкидлайдилар (Gupta & Sahni, 2020; Sahni & Gupta, 2020). Пародонтитни самарали даволаш умумий яллиғланишни камайтиради

(CRP, IL-6) va metabolik nazoratni yaxshilaydi (D'Aiuto va бошқ., 2013; Montero va бошқ., 2020). Пародонтит ва ковиддан кейинги асоратлар ўртасидаги сабаб-оқибатли боғлиқликни аниқлаш профилактика ва терапия учун пародонт саломатлигининг муҳимлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда COVID-19 билан боғлиқ стоматологик асоратлар, шу жумладан оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг шикастланиши (Ибрагимова М.Х., Камилова А.З., 2022; Камилов Х.П., Рахимова М.А., 2024; Саидова М.А., 2024; Гиязова М.М., 2024), реабилитация даврида сўлак безлари патологиялари (Бекжанова О.Е., Каюмова В.Р., 2023), ҳамда коронавирус инфекциясини бошдан кечирган иккиламчи адентияли шахсларда дентал имплантацияга комплекс ёндашув (Маннанов Ж.Ж., 2022) бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Тизимли васкулитлар билан оғриган беморларда (Рустамова Д.А., 2023) ва болаларда (Бобожанова Н.Т., 2024) пародонт касалликлари, оғиз бўшлиғининг микробиологик ҳолати (Ризаев Ж.А., Кубаев А.С., 2020; Акбаров А.Н., Мадаминова Н.С., 2021), юз-жағ асоратларининг морфологик ва генетик жиҳатлари (Курбонов Ё.Х., 2022), шунингдек, юқори жағ нуқсонларини жарроҳлик йўли билан коррекциялаш усуллари (Бўймуродов Ш.А., Хасанов А.И., 2021) тадқиқ этилган.

Эришилган ютуқларга қарамай, пародонтитнинг ковиддан кейинги синдром билан боғлиқлиги ва сўлак биомаркерларининг роли етарлича ўрганилмаган, шунинг учун патогенетик механизмларни батафсил аниқлаш, ташхислаш ва даволашнинг самарали усулларини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар долзарблигича қолмоқда.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг 012000275-рақамли “Меъёрий ва патологик шароитларда инсон организмнинг турли тизимлар фаолиятини тартибга солиш механизмларини ўрганиш” мавзуси доирасидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган (2020-2024 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади:** коронавирус инфекциясини ўтказган беморларда сурункали пародонтитни комплекс даволаш самарадорлигини клиник-стоматологик ва лаборатория текширувлари асосида оптималлаштириш.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

коронавирус инфекциясини ўтказгандан сўнг сурункали пародонтитнинг клиник кечишини ўрганиш ва унинг оғирлик даражасини балларда баҳолашнинг миқдорий мезонларини ишлаб чиқиш;

коронавирус инфекциясини ўтказган сурункали пародонтит билан оғриган беморларнинг клиник ва стоматологик статусининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва таҳлил қилиш;

ўрта оғирликдаги сурункали пародонтит билан оғриган беморларда ковиддан кейинги даврда қон зардоби ва аралаш сўлакдаги яллиғланиш цитокинлари ҳамда иммуноглобулинлар даражасини қиёсий жиҳатдан баҳолаш;

сурункали пародонтит билан оғриган беморларда ковиддан кейинги даврда аралаш сўлакнинг ҳужайравий таркибини баҳолаш ва унинг башоратлаш қийматини исботлаш;

клиник статус кўрсаткичлари, аралаш сўлакнинг ҳужайравий таркиби, цитокин профили тизими, қон зардоби ва оғиз суюқлигидаги иммуноглобулинлар ҳолатига комплекс даволашнинг самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти.** 2021-2024 йиллар давомида Андижон давлат тиббиёт институти ва Тошкент давлат стоматология институтининг терапевтик стоматология клиникаларида амбулатор даволанган 25 ёшдан 64 ёшгача бўлган сурункали пародонтит билан оғриган 88 нафар бемор.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида клиник ва пародонтологик тадқиқотлар натижалари, оғиз суюқлиги, аралаш сўлак, қон зардоби олинди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация тадқиқотини бажаришда клиник кузатишлар, биокимёвий, микроскопик тадқиқотлар ва статистик ишлов бериш усуллари қўлланилди.

#### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларда балларда ифодаловчи интеграл ташхислаш кўрсаткичлари, ўтказилган коронавирус инфекциясининг оғирлик даражаси, маҳаллий ва умумий клиник симптомлар мажмуаси, қон зардоби ва оғиз суюқлигидаги тизимли яллиғланиш кўрсаткичлари даражаси, оғиз бўшлиғи гигиенаси каби омилларни ўз ичига олган баҳолаш мезонлари сурункали пародонтитнинг клиник оғирлик даражасини белгилаши аниқланган;

қон зардоби ва оғиз суюқлигининг клиник, цитокин ва иммунологик кўрсаткичлари ўртасидаги корреляцион қонуниятлар ташхислаш ва даволаш самарадорлигини баҳолашнинг башоратлаш аҳамиятга эга маркерлари эканлиги исботланган;

сурункали пародонтитли беморларда ковиддан кейинги даврда аралаш сўлакдаги ноинвазив маркерлар лимфоцитларнинг 6,90 баробар, эритроцитларнинг 7,55 баробар, яланғоч ядроларнинг 16,97 баробар кўпайиши билан намоён бўлиши аниқланган;

коронавирус инфекциясини ўтказган беморларда сурункали пародонтитни даволашнинг таклиф этилган мажмуаси цитокинлар номутаносиблигини баргараф этишга, қон зардоби ва оғиз суюқлигида иммуноглобулинлар фаоллигини оширишга, ишқорий фосфатаза фаоллигини пасайтиришга, оғиз суюқлигида  $\alpha$ -амилаза қувватини кўтаришга олиб келиши исботланган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат бўлди:**

сурункали пародонтитнинг оғирлик даражасини баҳолаш ва ковиддан кейинги даврда унинг ривожланишини башорат қилишнинг ишлаб чиқилган шахсийлаштирилган усули касалликнинг ривожланиш динамикасини кузатиш имконини бериши аниқланган;

даволашдан олдин ва кейин қон зардоби ҳамда оғиз суюқлигининг клиник, цитокин ва иммунологик кўрсаткичлари ҳолати баҳоланган, булар пародонт зарарланишининг индикаторлари ва терапия самарадорлигининг мезонлари сифатида қабул қилинган;

аралаш сўлакнинг ҳужайравий таркиби, қон зардоби ва оғиз суюқлигидаги цитокин профили ҳамда иммуноглобулинлар кўрсаткичларини ўрганиш асосида даволашни оптималлаштириш учун комплекс терапияга оғиз бўшлиғи гигиенасининг махсус усули, иммуностимулятор ва иммуномодулятор препаратини киритиш зарурлиги исботланган;

умумқабул қилинган даволаш усулига қараганда иммун ҳолат ва сўлак биомаркерлари ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган алгоритмнинг ўртача умумий клиник самарадорлиги сезиларли даражада юқори эканлиги исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, клиник, биокимёвий, цитологик ва статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, шунингдек, коронавирус патологиясини бошдан кечирган беморларда сурункали пародонтитни даволашни такомиллаштириш ва касалликнинг ўзига хослигини баҳолашга янгича ёндашув натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар маълумотлари билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, ўтказилган коронавирус инфекциясининг пародонтит ривожланишига таъсир этувчи патогенетик механизмларини аниқлашдан иборат бўлиб, ушбу механизмлар клиник-стоматологик кўрсаткичларнинг кучайиши, қон зардоби ва оғиз суюқлигидаги яллиғланишга қарши ва яллиғланишни қўзғатувчи цитокинлар ҳамда иммуноглобулинлар дисбаланси, шунингдек сўлакнинг цитологик хусусиятлари ўзгариши билан ифодаланади, бу эса стандарт даволаш усулларига қўшимча равишда оғиз бўшлиғи гигиенасининг махсус усуллари ва иммуномодуляцион терапияни қўллашдан иборат бўлган комплекс даволаш самарадорлигини ошириш зарурлигини белгилаб беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, коронавирус инфекциясини ўтказгандан сўнг пародонтит ривожланиши прогнозини баҳолаш усулини ишлаб чиқиш ҳамда хавф омиллари башорати ва касаллик ривожланишининг патогенетик механизмларини ҳисобга олган ҳолда даволаш усулини такомиллаштиришдан иборат бўлди, бу эса профилактика ва терапия самарадорлигини ошириш, даволаш муддатини қисқартириш ва узок муддатли натижаларни яхшилаш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга татбиғи бўйича 2025 йил 22 сентябрдаги 25/10- сон хулосасига кўра:

*Биринчи илмий янгилик:* коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларда балларда ифодаловчи интеграл ташхислаш кўрсаткичлари, ўтказилган коронавирус инфекциясининг оғирлик даражаси, маҳаллий ва умумий клиник симптомлар мажмуаси, қон зардоби ва оғиз суюқлигидаги тизимли

яллиғланиш кўрсаткичлари даражаси, оғиз бўшлиғи гигиенаси каби омилларни ўз ичига олган баҳолаш мезонлари сурункали пародонтитнинг клиник оғирлик даражасини белгилаши аниқланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* коронавирус инфекциясини ўтказган беморларда сурункали пародонтитнинг клиник кечиши башоратини миқдорий баҳолаш учун ишлаб чиқилган усул биринчи марта юқори ташхислаш самарадорликни кўрсатди: сезувчанлик - 93,54%, махсуслик - 82,35% ва умумий ташхисий аниқлик - 89,58%. Бу хавф гуруҳларини эрта аниқлаш имконини беради ва клиник амалиётда қўлланилишини асослайди. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий этилиши:* олинган илмий тадқиқот натижалари Тошкент шаҳридаги 1-сон Зангиота Республика ихтисослаштирилган юқумли касалликлар шифохонаси (2024 йил 2 августдаги 103-н-сонли буйруқ) ва Фарғона шаҳридаги “Фарғона вилоят стоматология поликлиникаси” даволаш-профилактика муассасаси (2024 йил 1 июндаги 31-сонли буйруқ) амалий фаолиятига татбиқ этилган. *Ижтимоий самарадорлик:* ушбу усул универсалликка эга бўлиб, хавф гуруҳларини эрта аниқлаш ва клиник натижаларни оптималлаштириш учун башоратлаш моделларга киритиш имконини беради. Бу эса пародонтитнинг кўшма шикастланишларининг патогенетик механизмлари ҳақидаги назарий тушунчаларни чуқурлаштиради. *Иқтисодий самарадорлик:* ишлаб чиқилган мезонларни қўллаш диагностика вақтини 25% га қисқартиради, бу эса битта бемор учун текширув харажатларини ўртача 18% га камайтиради. *Хулоса:* коронавирус инфекциясини ўтказган беморларда сурункали пародонтитнинг аниқланган стоматологик ва умумий белгилари ташхис қўйишни оптималлаштиради, шунингдек, шифохонада даволаниш муддатини 10,3 кунгача қисқартиришга имкон беради, ўрин фондидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлик коэффициенти 92%га оширади.

*Иккинчи илмий янгилик:* қон зардоби ва оғиз суюқлигининг клиник, цитокин ва иммунологик кўрсаткичлари ўртасидаги корреляцион қонуниятлар ташхислаш ва даволаш самарадорлигини баҳолашнинг башоратлаш аҳамиятга эга маркерлари эканлиги исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* коронавирус инфекциясидан кейинги даврда сурункали пародонтит билан оғриган беморларнинг клиник кўрсаткичларни оғиз суюқлиги ва қон зардобидидаги цитокинлар, иммуноглобулинлар даражаси ўртасида аниқланган башоратли корреляцион боғлиқликлар, маҳаллий ва тизимли яллиғланишнинг ташхислаш аниқлилигини оширади ва даволаш самарадорлигини баҳолаш учун асос яратди. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий тадқиқот натижалари Тошкент шаҳридаги 1-сон Зангиота Республика ихтисослаштирилган юқумли касалликлар шифохонасининг даволаш-профилактика бўлимлари (02.08.2024 йилдаги 103-н-сонли буйруқ) ва Фарғона шаҳридаги “Фарғона вилояти стоматология поликлиникаси” даволаш-профилактика муассасаси амалий фаолиятига (01.06.2024 йилдаги 31-сонли буйруқ билан) жорий этилди. *Ижтимоий самарадорлик:* аниқланган корреляциялар короновирус инфекциясини ўтказган беморларда сурункали пародонтитни эрта ташхислашга ёрдам беради, хавф гуруҳларини ўз вақтида аниқлаш ва даволашни оптималлаштириш орқали асоратлар частотасини камайтиради, яшаш сифатини яхшилади ва ижтимоий юкламани камайтиради.

*Иқтисодий самарадорлик:* ковиддан кейинги даврда пародонтитни ташхислаш ва мониторинг қилиш учун корреляция маълумотларидан фойдаланиш такрорий мурожаатлар сонини камайтириш орқали даволаш давомийлиги ва тиббий ёрдам харажатларини қисқартиради, қойка фондининг самарадорлик коэффицентини 0,92 га оширади. *Хулоса:* сурункали пародонтит билан касалланган беморларда ковиддан кейинги даврда пародонтологик кўрсаткичлар, цитокинлар ва иммуноглобулинлар ўртасидаги корреляцион боғлиқликлар ( $r=-0,772$  дан  $0,457$  гача,  $p<0,05$ ) иммунитет ва яллиғланиш дисбалансидаги патогенетик ролини тасдиқлайди, эрта ташхислаш, асоратларни камайтириш ва соғлиқни сақлаш ресурсларини тежашни таъминлайди.

*Учинчи илмий янгилик:* сурункали пародонтитли беморларда ковиддан кейинги даврда аралаш сўлакдаги ноинвазив маркерлар лимфоцитларнинг 6,90 баробар, эритроцитларнинг 7,55 баробар, яланғоч ядроларнинг 16,97 баробар кўпайиши билан намоён бўлиши аниқланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* ковиддан кейинги даврда сурункали пародонтитнинг оғирлик даражаси кўрсаткичи сифатида аралаш сўлак хужайравий профилининг башоратлаш қиймати аниқланди. Бу пародонт шикастланишларини холисона баҳолашни таъминлайди, патогенезни тушунишни чуқурлаштиради ва ташхислаш аниқлигини оширади. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий этилиши:* олинган илмий тадқиқот натижалари Тошкент шаҳридаги 1-сон Зангиота Республика ихтисослаштирилган юқумли касалликлар клиникасининг даволаш-профилактика бўлимлари (02.08.2024 йилдаги 103-н-сонли буйруқ билан) ва Фарғона шаҳридаги “Фарғона вилояти стоматология поликлиникаси” даволаш-профилактика муассасаси (01.06.2024 йилдаги 31-сонли буйруқ билан) амалий фаолиятига жорий этилди. *Ижтимоий самарадорлик:* ноинвазив ташхислаш усули анъанавий усулларга қараганда хавф гуруҳларини эртароқ аниқлашни таъминлайди, бу эса пародонтал асоратлар частотасини камайтиради, ногиронлик хавфини пасайтиради ва беморларнинг яшаш сифатини яхшилайдди. *Иқтисодий самарадорлик:* сўлак хужайравий профилининг ноинвазив тахлили диагностика вақтини 20% га қисқартиради ва шифохонада даволаниш муддатини 10,3 кунгача камайтиришга имкон беради. *Хулоса:* аралаш сўлакнинг хужайравий профили башоратлаш маркер сифатида диагностика аниқлигини 25% га оширади ва харажатларни 20% га камайтиради, клиник натижаларни ва ковиддан кейинги асоратларни олдини олишни 22,91% га яхшилайдди.

*Тўртинчи илмий янгилик:* коронавирус инфекциясини ўтказган беморларда сурункали пародонтитни даволашнинг таклиф этилган мажмуаси цитокинлар номунособлигини бартараф этишга, қон зардоби ва оғиз суюқлигида иммуноглобулинлар фаоллигини оширишга, ишқорий фосфатаза фаоллигини пасайтиришга, оғиз суюқлигида  $\alpha$ -амилаза қувватини кўтаришга олиб келиши исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* комплекс даволаш сурункали пародонтит билан оғриган беморларда цитокин профилини меъёрлаштириш, оғиз суюқлиги ва қон зардобидидаги иммуноглобулинларни рағбатлантириш, ишқорий фосфатазани бостириш ва  $\alpha$ -амилазани фаоллаштириш орқали иммунитет мувозанатини тиклайди, бу эса янги патогенетик муносабатларни ўрнатади ва шахсийлаштирилган даволаш

протоколлари учун асос яратади. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий этилиши*: олинган илмий тадқиқот натижалари Тошкент шаҳридаги 1-сон Зангиота Республика ихтисослаштирилган юқумли касалликлар шифохонасининг даволаш-профилактика бўлимлари (02.08.2024 йилдаги 103-п-сонли буйруқ) ҳамда Фарғона шаҳридаги “Фарғона вилояти стоматология поликлиникаси” даволаш-профилактика муассасаси (01.06.2024 йилдаги 31-сонли буйруқ) амалий фаолиятига жорий этилди. *Ижтимоий самарадорлик*: касалликнинг қайталаниш частотасини уч баробарга камайтириш ва касалхонада ётиш муддатини бир бемор ҳисобида 10,3 кунгача қисқартириш ижтимоий юқламани 35% га камайтиришга олиб келади. *Иқтисодий самарадорлик*: коронавирус инфекциясини ўтказган беморларда сурункали пародонтитни комплекс даволаш касалликнинг қайталанишини уч баравар камайтиришга, шифохонада ётиш кунларини 10,3 кунгача (247,2 ётоқ-кун/йил) қисқартиришга ёрдам беради, бу эса ётоқ фондининг 92% ресурсларини тежаш имконини беради. *Хулоса*: пародонтитни даволашда стоматологик, умумий клиник статус, шунингдек, цитокин ва иммунитет профили, сўлак ва қон зардоби биомаркерларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган қиёсий ёндашувлар даволаш самарадорлигини 38,07% га оширади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари иккита хорижий илмий анжуманда, шунингдек, еттита халқаро илмий тадбирда, жумладан, конгресслар, форумлар ва ўқув тренингларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, унинг мақсад ва вазифалари белгиланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини амалий соғлиқни сақлаш тизимига жорий этиш бўйича маълумотлар, шунингдек, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“COVID-19 нинг пародонтит ривожланишига таъсири, яллиғланиш жараёнлари, иммунитет дисбаланси ва даволаш стратегиялари таҳлили”** деб номланган биринчи бобида COVID-19 нинг оғиз бўшлиғи ва иммун тизимига таъсирининг патофизиологик жиҳатлари, шу

жумладан пародонт тўқималарининг шикастланиш механизмлари, тизимли яллиғланиш ва цитокин бўронининг роли, оғиз бўшлиғи микробиомасидаги ўзгаришлар, шунингдек, инфекциядан олдинги ва кейинги пародонтит ривожланишининг қиёсий таҳлиliga бағишланган замонавий хорижий ва маҳаллий адабиётларнинг батафсил таҳлили келтирилган. Ковиддан кейинги синдромнинг оқибатлари, хавф омиллари ва даволаш усуллари, жумладан иммуномодуляторлар, яллиғланишга қарши препаратлар, лазерли ва фотодинамик терапия кўриб чиқилган. Бунда беморнинг иммун ҳолатига қараб даволашни индивидуаллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот объектлари ва қўлланилган усуллар тавсифи”** деб номланган иккинчи бобида фойдаланилган клиник, стоматологик ва иммунологик тадқиқот усуллари баён этилган. Белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун 2021 йилдан 2024 йилгача бўлган даврда Зангиота тумани 1-сонли республика ихтисослаштирилган юқумли касалликлар клиникасида, АДТИ ва ТДСИ терапевтик стоматология клиник базаларида беморлардан тадқиқотда иштирок этишга хабардорлик-розилик хати асосида олиб борилди. Ёш ва жинс таркиби ҳамда ижтимоий-маиший яшаш шароитлари бўйича ўхшаш бўлган 25-64 ёшдаги 88та беморларининг касаллик тарихи чуқур таҳлил қилинди. Улардан COVID-19 ташхиси тасдиқланган 30 нафар бемор асосий гуруҳни ташкил этди; COVID-19 билан касалланмаган 28 нафар сурункали пародонтит билан оғриган бемор таққослаш гуруҳига; тадқиқот даврида COVID-19 билан оғримаган 30 нафар бемор эса назорат гуруҳига киритилди. Тадқиқотда анамнезида COVID-19 инфекцияси тасдиқланган ва охири текширувдан сўнг 12 ҳафтадан кам вақт ўтган беморлар иштирок этди. Ўтказилган COVID-19 антиген тестлари, ПЗР таҳлиллари ёки COVID-19 га қарши антитаначалар текшируви натижаларининг ижобий чиқиши орқали тасдиқланди.

Нazorat гуруҳида ўртача ёш  $41,50 \pm 4,02$  ни ташкил этди. Асосий ва таққосий гуруҳда ушбу кўрсаткич  $44,5 \pm 4,0$  ва ундан юқори бўлди. Тадқиқотда 25-34 ёш; 35-44 ёш; 45-54 ёш; 55-64 ёш ҳамда 65 ёш ва ундан катта ёшдаги беморлар текширилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Женева конвенцияси (1997) ва Хелсинки декларацияси (2000) ахлоқий меъёрларига мувофиқ, тадқиқотдан олдин иштирокчилар билан суҳбатлар ўтказилиб, тадқиқотнинг мақсадлари ва тартиби тушунтирилди.

Клиник тадқиқот усуллари даволашдан олдин, кейин ва 6 ойдан сўнг ўтказилди. Бу текширишлар пародонтал статусни миқдорий баҳолашни ўз ичига олиб, клиник белгиларини балл тизими бўйича баҳолаш орқали аниқланди (Камилов Х.П., 2008). Лаборатория тадқиқотлари "Big pharm" клиник лабораториясида ўтказилди. Қон зардоби (ҚЗ) ва оғиз суюқлигида (ОС) иммуноглобулинлар (IgA, IgG, IgM), цитокинлар (IL-6, IL-8, IL-2, IL-1,  $\alpha$ -интерферон,  $\alpha$ -УНО), ишқорий фосфатаза (ИФ) ва  $\alpha$ -амилаза даражаси Snibe ва “ИФА-Бест” (“Вектор-Бест” ЁАЖ (Россия)) тест тизимларидан фойдаланган ҳолда қаттиқ фазали ИФА ва ИХЛА усулида Human Reader, Maglumi 800 ва Biosayss 240 plus анализаторларида аниқланди.

COVID-19 ўтказган беморларда сурункали пародонтитнинг клиник кечиши оғирлиги ва башоратини миқдорий баҳолаш учун касалликнинг


нозологик мустақиллигини белгиловчи саккизта асосий симптоматик омилларни эксперт баҳолаш асосида 11 нафар малакали экспертлар томонидан 0 дан 4 баллгача бўлган шкала бўйича амалга оширилди. Экспертлар фикрларининг мувофиқлиги конкордация коэффиценти  $W=0,71$  билан тасдиқланди, бу юқори даражадаги мувофиқликни кўрсатади. Статистик аҳамият  $\chi^2 = 54,67$  мезони билан тасдиқланди ( $\chi^2$  жад.=14,07;  $f =7$ ;  $p<0,05$  бўлганда), бу натижаларнинг тасодикий эмаслигини кўрсатади.

Маълумотларни статистик қайта ишлаш MS Excel 2016 ва IBM SPSS Statistics 26.0 таҳлил пакетидан фойдаланган ҳолда амалга оширилди. Тақсимотнинг меъёрлиги Колмогоров-Смирнов ва Шапиро-Уилк тестлари билан текширилди. Гуруҳлараро фарқлар Макнемарнинг нопараметрик тести ( $\chi^2$  мезони) билан, корреляцион боғланишлар чизиқли корреляция билан баҳоланди.

Диссертациянинг **“Коронавирус инфекциясини ўтказган сурункали пародонтит билан оғриган беморларнинг клиник статуси”** деб номланган учинчи бобида COVID-19 дан кейинги даврда сурункали пародонтит билан оғриган беморларнинг клиник, иммунологик, цитокин ва цитологик характеристикалари кўриб чиқилган. Шунингдек, ушбу хусусиятлар COVID-19 билан касалланмаган беморлар гуруҳи билан таққосланган.


Қиёсий таҳлил асосий гуруҳда ( $n_1=30$ ) стоматологик симптомларнинг таққослаш гуруҳи ( $n_2=28$ ) ва назорат гуруҳига ( $n_3=30$ ) нисбатан сезиларли даражада ортишини: оғиз қуриши (53,3%;  $\chi^2=15,34$ ,  $p<0,001$ ), тилнинг ачишиши (70,0%;  $\chi^2=40,16$ ,  $p<0,001$ ), галитоз (83,3%;  $\chi^2=40,79$ ,  $p<0,001$ ), тишлар гиперестезиясини (73,3%;  $\chi^2=28,29$ ,  $p<0,001$ ) аниқлади. Тизимли симптомлардан ҳолсизланиш (76,7%;  $\chi^2=33,68$ ,  $p<0,001$ ), миалгия (56,7%;  $\chi^2=25,42$ ,  $p<0,001$ ), юрак-қон томир (50,0%;  $\chi^2=25,44$ ,  $p<0,001$ ) ва когнитив бузилишлар (50,0%;  $\chi^2=15,06$ ,  $p=0,001$ ) намоён бўлди. Ушбу маълумотлар COVID-19 нинг пародонтдаги яллиғланиш жараёнларига ва коронавирус инфекциясидан кейинги дисбаланс билан боғлиқ тизимли белгиларга оғирлаштирувчи таъсир кўрсатишини билдиради.

Даволашдан олдин пародонтал статус клиник параметрларини қиёсий таҳлил қилиш асосий гуруҳда ( $n_1=30$ ) ва таққослаш гуруҳида ( $n_2=28$ ) назорат гуруҳига ( $n_3=30$ ) нисбатан кўрсаткичларнинг сезиларли даражада ёмонлашганини кўрсатди (1-расм).




1-расм. Таққосланган гуруҳларда даволашдан олдин пародонтал статус

Таққослаш гуруҳидаги беморларнинг ҚЗ да яллиғланиш олди цитокинлар концентрацияси назорат гуруҳига нисбатан ИЛ-6 учун 2,77 марта, ИЛ-8 - 4,66 марта, ИЛ-2 - 4,08 марта, ИЛ-1 - 1,85 марта,  $\alpha$ -интерферон - 4,20 марта,  $\alpha$ -ЎНО - 1,72 марта сезиларли даражада ошди ( $p < 0,01$ ). Яллиғланишга қарши ИЛ -4 ва ИЛ -10 мос равишда 0,83 ва 0,54 мартагача камайди (2-расм). Худди шундай яллиғланиш олди силжиш пародонтит патогенезида цитокинларнинг асосий ролини тасдиқловчи ОСда ҳам аниқланди (3-расм).




**2-расм.** Текиширилаётган беморларда даволашдан олдин қон зардобидаги яллиғланиш медиаторларининг концентрацияси.

Асосий гуруҳда яллиғланиш жараёнининг назорат гуруҳига нисбатан кучайиши кузатилди. ҚЗдаги яллиғланиш олди цитокинлари концентрацияси назорат кўрсаткичларидан ишончли даражада ( $p < 0,01$ ) юқори бўлди: ИЛ-6 - 3,17 баробар, ИЛ-8 - 4,84 баробар, ИЛ-2 - 4,59 баробар, ИЛ-1 - 2,11 баробар,  $\alpha$ -интерферон - 3,98 баробар,  $\alpha$ -ЎНО - 1,96 баробар ( $p < 0,01$ ) ошди, ИЛ-4 ва ИЛ-10 миқдори эса 0,65 ва 0,43 ( $p < 0,01$ ) гача камади (2-расм). ОСда ҳам назоратга караганда сезиларли юқори кўрсаткичлар қайд этилди ( $p < 0,01$ ): ИЛ-6 2,50 баробар, ИЛ-8 1,88 баробар, ИЛ-2 2,03 баробар, ИЛ-1 2,97 баробар,  $\alpha$ -интерферон 1,98 баробар ва  $\alpha$ -ЎНО 1,74 баробар ошди, ИЛ-4 ва ИЛ-10 миқдори эса мос равишда 0,38 гача ва 0,40 гача ( $p < 0,05$ ) камайди (3-расм).



**3-расм.** Текиширилаётган беморларда даволашдан олдин оғиз суюқлигидаги яллиғланиш медиаторларининг концентрацияси.

Асосий гуруҳдаги беморларнинг аралаш сўлагида таққослаш гуруҳига нисбатан сезиларли даражада хужайравий ўзгаришлар яққолроқ намоён бўлиб, бу ўзгаришлар COVID-19 туфайли яллиғланиш, тўқималар парчаланиши ва тикланиш жараёнларининг кучайганлигини кўрсатади, бу эса даволашда ҳар бир беморга индивидуал ёндашиш зарурлигини таъкидлайди (4-расм).



**4-расм.** Таққосланаётган гуруҳларда сурункали пародонтит билан оғриган беморларда даволашдан олдин аралаш сўлакнинг ҳужайравий таркиби

Асосий гуруҳдаги, шунингдек таққослаш гуруҳидаги беморлар анамнезида, контрол гуруҳга қараганда, ОС иммуноглобулинлари ва биомаркерларида ўзгаришлар аниқланди. ОСда мос равишда IgA миқдорининг 28,62% ва 25,98% га ( $p < 0,05$ ), IgM нинг 13,37% ва 23,76% га ( $p < 0,05$ ), шунингдек, ҚЗда IgA нинг 24,04% ва 26,70% га ( $p < 0,05$ ), IgM нинг 35,54% ва 35,04% га ( $p < 0,05$ ) камайиши умумий ва маҳаллий иммун тизим заифлашганини кўрсатади. ОСда  $\alpha$ -амилазанинг 55,43% ва 56,86% ( $p < 0,05$ ) га пасайиши сўлак безлари дисфункциясини кўрсатади, оғиз суюқлигида IgG нинг 118,58% ва 123,32% га ( $p < 0,05$ ) ва ҚЗда 47,44% ва 46,56% га ( $p < 0,05$ ), шунингдек, ОСда ИФнинг 51,66% ва 54,65% га ( $p < 0,05$ ) ошиши пародонтнинг яққол яллиғланиши ва деструкциясидан далолат беради. Ўтказилган COVID-19 ОСда IgA камайишини кучайтиради, IgM ва IgG га минимал таъсир кўрсатади, бу пародонтитнинг иммун тизим бузилишларида етакчи роль ўйнашини ва таққосий даволаш зарурлигини тасдиқлайди.


